O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
280209




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 20-fevral • № 8 (3991)


## "ҲАР КИМКИ, МЕНИ СЎРСА САЛОМИМНИ ДЕГИЛ..."

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 526 йиллиги муносабати билан Андижондаги шаҳарсозлик маданияти тарихи музейида вилоят ҳокимлиги ва Бобур халқаро жамғармаси ташаббуси билан навбатдаги анъанавий илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Бобур шеъриятида маънавият ва маърифат масалалари", бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий" асарлари насрий баёнини нашрга тайёрлаш тажрибаси", профессор Абдулла Аъзамовнинг "Бобурнинг аруз маҳорати", Аҳмаджон Мелибоевнинг "Бобур ва бошқа тарихий шахслар ижодини тарғиб этишда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси тажрибаси", Ғофиржон Сатимов ва Мўмин Ҳошимхоновнинг Бобур ва Машраб ижодини тадқиқ этишнинг ўзига хос хусусиятларига доир, Зокиржон Машрабовнинг Бобур меросини ўрганиш юзасидан амалга оширилган ишлар ва навбатдаги вазифалар тўғрисидаги маърузалари тингланди.



Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини белгиловчи улуғ алломалари бўлади. Улар меросидан баҳрамандлик жамият равнақи, миллий тафаккур ривожига муносиб ҳисса қўшади. Таассуфки, шўролар замонида ўтмиш аждодларимизнинг бизгача етиб келган буюк маънавий меросини ўрганиш мутлақо мумкин бўлмади. Улуғ замондошимизнинг ҳаёти ва "Бобурнома" асари хорижий давлатларда чуқур ўрганилса ҳам, унинг она юртида бунга имкон берилмади. Жавоҳарлаъл Неру ўз вақтида: "Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорларининг ҳақиқий намунаси. У мард ва тадбиркор одам бўлган", деб ёзган эди. Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни машҳур Юлий Цезарга тенглаштиради. Яна бир тадқиқотчи Уилям Эрскин Бобурга шундай баҳо беради: "Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди".

Бундай эътирофларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шоҳ Бобур қаерда бўлмасин, темурийларга хос улуғ бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди — борган жойида ободончиликка жиддий эътибор берди, муҳташам қасрлар қурдирди, арик-каналлар қазиш, боғлар барпо қилиш билан шуғулланди, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига ҳомийлик қилди. Фарзандларига эл-улус аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб туришни, муҳтожларга мурувват кўрсатишни васият қилди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейингина давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бобур ва бошқа тарихий шахслар, улуғ алломалар ижодини ўрганишга кенг маънода киришилди. Бугун бу борада амалга оширилган ишлар билан ҳақли равишда фахрлана оламиз. Чунончи, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, япониялик олим Эйжи Мано ва Саидбек Ҳасанов нашрга тайёрлаган "Бобурнома" асарини бобуршунос олимлар Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаевалар ҳозирги ўзбек тилига табдил қилишди ("Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи, масъул муҳаррирлар Нажмиддин Комилов, Маҳмуд Саъдий). Бу янги нашрнинг афзаллиги шундаки, уни энди кенг китобхонлар оммаси ҳам бемалол ўқишлари мумкин: "Бир-икки кундан сўнг Кандирлик довони билан Ахси ва Андижон сари йўлга тушдим. Ахсига етиб, отамнинг мозорини тавоф қилдим. Ахсидан жума намози вақти чиқиб, Банди Солор йўли орқали шом билан хуфтон намози орасида Андижонга келдим. Бу Банди Солор йўли тўққиз йиғоч йўлдир. Андижон вилоятининг даштда яшовчи аҳолисидан бири одами кўп Чакрак элидир. Беш-олти минг уйлик эл. Улар Фарғона билан Қошғар орасидаги тоғларда истиқомат қиладилар. Отлари кўп ва қўйлари беҳисобдир. У тоғларда қорамол ўрнига қўтос сақлайдилар...".

Бобурхонлик кунларига бағишланган тадбирлар Наманган вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Шаҳардаги таниқли ўқув масканларидан бири — Санъат коллежида ўтказилган адабий-мусиқий анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов йиғилганларга Бобурнинг юксак шеърий маҳорати, улуғ аждодимиздан қолган "Бобурнома" асарининг тарихий-бадиий аҳамияти, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат намояндалари олдида турган масъулиятли вазифалар тўғрисида сўзлаб берди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ ижодкорларга уюшма билетлари топширилди.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

## ЎЗБЕК ТЎНИ

Ўзбекнинг тарихи қадим ва узоқ,
Бунга гувоҳ эрур ҳаттоки тўни.
Тўю маъракада сафларга бир боқ,
Эгнида даставвал кўргайсан уни.

Жаҳон элчилари ҳозиру нозир,
Барчаси Амирдан шафоат тилар.
Уларга боқади мағрур Жаҳонгир,
Устида зарбоф тўн, белида камар.

Ҳаё оташида ёнган келинчак
Қутлуғ остонага қўяркан қадам,
Бахтиёр жуфтига эгилиб андак,
Босади тўнининг этагини ҳам.

Бешикдан турди-ю жажжи болакай,
Тўн кийди, бобосин қаторида шод.
Гўё не истасанг қилмоқ учун шай,
Сафга кириб келди яна бир Фарҳод.

Мақсади оламга нур сочиш бўлгач,
Қуёшнинг мақоми фалаклар қадар.
Тўн ёпиб, бўйнига нишон ҳам илгач,
Не ажаб, меҳмонинг таъзим этса гар.

Эллар бир-бирларин бошларин силаб,
Меҳрин инъом этар нон билан туздек.
Жамъи одамзодга эзгулик тилаб,
Дунё елкасига тўн ёпар Ўзбек!

*14.02.2009 й.*

## ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК

Ҳурматли таҳририят!

Ушбу мактубни кекса газетхондан деб билгайсиз. Ёшим тўқсонда. Аввалари унча-мунча ижод ҳам қилиб турардим. Газеталарга кўплаб мақолалар ёзганман. Ҳозир ҳам гоҳо ижод қаламини қўлимга олиб тураман.

Ушбу мактубни синглимга айтиб туриб ёздирдим. Турмушнинг жуда кўп машаққатларини бошидан кечирган бир киши сифатида сизларга баъзи фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Инсон ҳаёти ҳамиша бир текис кечмайди. Омад деганлари гоҳ қўшалоқ бўлиб келади, гоҳ эса теп-текис йўлда ҳам сиздан юз ўгиради. Бундай пайтларда одам ўзини йўқотмаслиги, тушкунликка тушмаслиги, аксинча, чора-тадбир билан бу ҳолатдан чиқиб кетиши керак. Мен ва менга тенгдош кексалар бундай ҳолатларни бир марта эмас, кўп бор бошларидан ўтказганлар десам, муболаға бўлмайди.

Ниятим шуки, бу тажриба ўзимиз билан кетмаслиги керак. Бугунги ёшларга, муҳтарам фарзандларимизга гапириб, тушунтириб беришимиз лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор берилмоқда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Дилимдаги гапни айтай — ҳеч қачон бугунгидек имконият, ғамхўрлик бўлмаган. Бугунги ёшлар кекса авлодларнинг хаёлига ҳам келмаган чўққиларни эгаллашмоқда. Ҳар куни матбуотда, радио ёки телевидениеда кимнингдир чемпион ёки ғолиб бўлганлигини эшитиб, юрагинг тўлқинланиб кетади.

Шундай бўлса-да, ёшлар, барибир, кекса авлоднинг панд-насиҳатига, тўғри йўл-йўриқларига муҳтож, деб ўйлайман. Муҳтарам Президентимиз ёшларни "Сизлар менинг фарзандларимсизлар", дейдилар. Биз ҳам фақат ўз оиламизни, ўғил-қизимизнигина ўйламай, маҳалла, қишлоқ, туман ёшлари тўғрисида бирдай қайғуришимиз, ҳаётий тажрибаларимиз билан уларнинг йўлларини ёритиб туришимиз керак. Шундай қилсаккина кексалик давримиз тинч ва осойишта ўтади.

**Бекназар ХУДОЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

*Пахтачи тумани*

### Янги нашр

## УНУТИЛМАГАН ҲАМКАСБЛАР




Куни кеча "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти тандиридан янги узилган "Давр кўзгуси" сарлавҳали китобни алоҳида қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Қизиқишимнинг боиси, китоб муаллифи, таниқли журналист Жўра Саъдуллаев билан ёшлар газетасида бирга ишлаганмиз, касбимизга доир жуда кўп ҳолатларга бирга гувоҳ бўлганмиз. Ижодкор ҳамкасблар бир-бирларини ўқиб турганлари ҳар жиҳатдан маъқул. Фақат шугина эмас, ён қўшнимиз "Тошкент ҳақиқати" газетаси фаолияти менга анча йиллардан бери таниш. Бу ерда ҳавас қилса арзигулик ижодий муҳит мавжуд, таҳририят кўплаб ҳамкасбларимиз учун маҳорат ва чиниқиш мактаби бўлиб келди ва бугун ҳам шу мақомини сақлаб қолмоқда. Бунинг устига, газета, айниқса, истиқлол йилларида вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини ёритиш билангина чекланиб қолмай, умуммамлакатга тааллуқли жиддий мавзуларни ҳам дадиллик билан ёритиб келаётгани диққатга сазовор.

"Давр кўзгуси"ни варақлар эканман, бутун умрини миллий матбуотимиз равнақига бағишлаган, журналистикани тақдир деб билган, энг оғир дамларда ҳам касбига хиёнат қилмаган, ҳою-ҳавасларга берилмаган кўплаб ҳамкасбларимизни эсладим. Уларнинг кўпи бағрикенг, одамохун, шогирдлари бошини силашдан чарчамайдиган кишилар эди. Бундай дилбар инсонлар бошқа жамоаларда ҳам бўлган ва бор. Китоб муаллифи улар номини самимият билан тилга олади.

Демак, бундай китоблар яна кўплаб ёзилиши, ҳар бир таҳририятнинг ўзига хос тарихи, машаққатли ижод йўли, иш услуби, маҳорат мактаби қоғозга туширилиши ва улардан бугунги ёш ҳамкасбларимиз, шубҳасиз, баҳраманд бўлишлари керак.

**Муҳаррир**

## ЁН ҚЎШНИМ — ЖОН ҚЎШНИМ

**Кўрик-танлов**

Меҳр-оқибат, мурувват — азал-азалдан халқимизнинг эзгу фазилати ҳисобланади. Одамлар энг оғир пайтларда ҳам, бир-бирларига елкадош бўлиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб яшаганлар, қийинчиликларни биргалашиб енгишган. Бу фазилатлар халқимизнинг турмуш тарзида муқим сақланиб қолган. Меҳр-оқибат маҳаллаларимиз ҳаётида, айниқса, яққол кўзга ташланади. Ёлғизларни, боқувчисиз қолганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имкон даражасида моддий ёрдам бериш, кўнгилларини кўтариш узоқ йиллардан бери ёнма-ён умргузаронлик қилиб келаётган маҳалладошлар учун маънавий бурчга айланиб қолган.

Бу борада "Экосан" халқаро ташкилоти, мана, бир неча йилдирки, қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва "Нуроний" жамғармаси билан биргаликда қабул қилинган қарор ҳам жамиятимизда меҳр-оқибатнинг янада кучайишига хизмат қилиши табиий. Қарорга кўра, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили муносабати билан мамлакатимизда "Мурувватли қўшни" республика кўрик-танлови ўтказилади. Мақсад — жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга, хусусан, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш, маҳаллаларда, турар-жойларда яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишдан иборат.



Танловда тадбиркор ва фермерларнинг ҳам фаол иштироки кўзда тутилган. Улар меҳр-мурувватга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашлари, чунончи, уй-жойни таъмирлашда, коммунал хизмат ҳақини тўлашда, хонадонларга ичимлик суви ўтказиб, сув ва газ ўлчагич асбобларини ўрнатишда, даволанишда ёрдам беришлари, ҳашар йўли билан қаровсиз ерларни ободонлаштиришлари мумкин. Бундай саховатли кишилар, шубҳасиз, танлов ғолиблари бўладилар.

Кўрик-танлов "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, хотин-қизлар ташкилоти, "Нуроний", "Меҳр-шафқат ва мурувват", "Маҳалла" жамғармаларининг жойлардаги бўлим ва филиаллари ҳамкорлигида ўтказилади.

**Ўз ахборотимиз**

## ЛЕНТАЛАРГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ



Ҳужжатли филмлар мамлакат ҳаётининг лентларга муҳрланган жонли тарихидир. Ҳар бир яратилган филм юртимиз ўтмиши ва бугунининг энг ёркин саҳифаларини, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини авлодларга етказувчи бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Буни яхши билган "Ўзбеккино" миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар киностудияси ижодкорлари анъанадан чекинмаган ҳолда ўтган йили ўттиздан ортиқ картиналарни суратга олдилар.

Яқинда студияда ана шу филмларнинг намойиши бўлиб ўтди. Уч кун давомида киношунос олимлар, ижодкорлар, журналистлар эътиборига ҳавола этилган картиналар ранг-баранг мавзуда бўлиб, уларда республикамизнинг турфа бурчакларида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган фидойи одамлар, тарихий шахслар фаолияти, болалар олами, мамлакатимизда ўтказилган йирик тадбирлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

"Сор бургутлар кўкни кўзлайди", "Саъдуддин Тафтазоний", "Шарқ дурдонаси", "Тошкентнинг тарихий обидалари", "Беназир инсон эди" (реж. Ҳ.Валиев), "Президент академияси", "Асрлар садоси" (реж. А.Акбархўжаев), "Истеъдодлар юрти" (реж. М.Тўйчиев), "Инсон нурга талпинади", "Ўзбегим ёшлари", "Ёш оилалар давлат эътиборида" (реж. К.Холмуродов), "Қаландар полвон ва унинг издошлари", "Мусаввир Акмал Нур" (реж. Н.Қосимов) каби филмлар шулар жумласидандир.

Мазкур филмлар муҳокамаси шу йилнинг 27 февралида бўлиб ўтади.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бухоро вилоят қўғирчоқ театрида Лола Сувонқулованинг "Ажойиб мусобақа" номли асари саҳналаштирилди. Бош ролларни театрнинг истеъдодли актёрларидан Беҳзод Камолов, Шерзод Ҳасанов, Малоҳат Бобокалонова ижро этмоқдалар. Янги саҳна асари шаҳардаги умумтаълим мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди.

* * *

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали ва комедия театрида режиссёр Убайдулло Бақоев Уилям Шекспирнинг "Гамлет" асарини саҳналаштирмоқда. Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев, актёрлардан Турооб Жумаев, Раҳимжон Эргашев, Рўзигул Қандова ижро этмоқдалар. Катта меҳнат ва масъулият билан саҳналаштирилаётган бу асар яқин кунларда театр мухлисларига ҳавола этилади.

**М.КАРИМОВА**



*Маълумки, сўнгги йилларда Р.Глиэр номидаги мусиқа лицейи ўқувчилари дунё миқёсидаги кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, 2007 — 2008 йилларда 15 дан ортиқ ўқувчилар халқаро танлов лауреатлари бўлишди.*

*Яқинда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Окно в Европу" IV халқаро фестивалида ҳам мазкур лицей ўқувчилари муваффақиятли қатнашдилар.*

*Мухтор Муҳаммадалиев (афғон рубоб) I ўрин (ўқитувчи Анвар Хожиназаров, Дилноза Тўраева (фортепиано) III ўрин (ўқитувчи Жаннат Абдиқулова)ларни эгаллаган бўлсалар, Сурайё Тиллахўжаева фестивалнинг "Энг яхши жўрнавоз" номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди.*

**СУРАТДА:
танлов совриндорлари.**

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Эрталабданоқ матбуот дўконига югурасиз. Эҳ, яна улгурмайсиз. Сиздан чаққонроғи илиб кетган бўлади. Келаси жума — яна шу аҳвол. Ундан кўра, югурмай-нетмай узоқ йиллик ҳамроҳингиз бўлган «ЎзАС»га ОБУНА бўлиб қўя қолмайсизми? Газета ўзи эшигингизни тақиллатиб келаверади. Нашр кўрсаткичи — 222.**

**Ушбу сонда:**
*Бирники юзгами
*Қичқириқ
*Устознинг жасорати
*Юракдан куйланса

**Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги**

# УСТОЗНИНГ БИР ИЖОДИЙ ЖАСОРАТИ

Истиқлол арафасида республикамизнинг янги раҳбарияти ташаббуси билан адабий таълимни тубдан янгилаш ҳаракати бошланган эди. Айни шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳининг ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи аъзолари – О. Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Қ.Йўлдошев ва камина зиммасига ғоят жиддий, масъулиятли вазифа юкланди. Шўро сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарға этилган

**Умарали НОРМАТОВ**



Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари улуғ сиймоларнинг шаънини тиклаш, шу билан баробар, бундан-да мушкулроқ масалани ҳал этиш – “шўро адиблари”, “соцреализм намояндалари”, табиийки, улар рўйхати бошида турган Ҳамза ижодий меросини шўровий талқинилардан тозалаб, бор ҳолича холис илмий тарзда ўқувчиларга, кенг жамоатчиликка етказиш лозим эди.

Ўша кезларида дарсликлардан муқим ўрин олган шўро даври адиблари, уларнинг ижод намуналарига нисбатан нописанд муносабатлар авжида эди. Ана шундай мураккаб шароитда илмий гуруҳ вазминлик билан оқилона йўл тутди. Бунда устоз Озод Шарафиддиновнинг маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида кечган қизғин мулоқотлар чоғи устоз куйиб-пишиб айтган мулоҳазалар, келтирган далил-исботлар ҳамон ёдимда. “Табаррук адабий сиймоларимиз, улар қолдирган адабий мерос, жумладан, шўро даври адабиёти бошида турган Ҳамза теварагида шу хил нописанд танқидий гаплар чиқишига Ҳамза эмас, ўзимиз, хамзашунос олимлар айбдор, — деган эди у. — Ҳамза “инқилоб куйчиси”, “ўзбек совет адабиётининг асосчиси”, “соцреализмнинг асосчиси”, “шўро адабиётининг яловбардори” сифатида шу қадар кўкларга кўтарилдики, энди уни ана шу аършидан тушириб, ўз ўрнига қўйиш пайти келди. Ўзи ёзмаган сатрларни, асарларни унга ёпиштириш ғирт бемаънилик. Ҳамза бунга муҳтож эмас. Қолаверса, ясама пардоз-андозларга ҳам ҳожат йўқ. Муаллифлигига шубҳа йўқ асарларининг ўзиёқ уни адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олишига тўла асос беради. Биласизлар, Абдулла Қаҳҳор ўз вақтида сохта йўллар билан Ҳамзани кўтар-кўтар қилишга кескин қарши чиққан эди. Бир адабий йиғинда у Ҳамзанинг янги миллий адабиётимиз, айниқса, бадиий тил равнақи йўлидаги хизматларини эътироф этган ҳолда катта жасорат билан “Ҳамза бамисоли янги йил арчаси сингари ҳар хил ялтир-юлтирлар билан безалиб ташланаётгани”ни танқид қилган эди. “Классик” деб ном олган азаматнинг битта сўзини алмаштириб бўлмас эди. Ҳамзани классик деб кўтараётганлар бутун бошли асарини қайта ёзиб чиқиб тепасига унинг номини қўйишдан ор қилмаяптилар! Бехос Ҳамза тирилиб қолиб, бу ишдан огоҳ бўлса, юраги ёрилиб қайта жон таслим қилган бўлар эди...”. Жасур адиб шу сўзларни айтганида, залда ўтирганларнинг бирортаси лом-мим демади, дея олмади. Аммо ўша кундан бошлаб панапастқамда адиб теварагида ғивир-шивир, фисқу фасодлар авж олди, жасур адибни “Ҳамзанинг душмани”га чиқаришди. Ҳатто бир шоир “Ҳамза душманларига жавобим!” сарлавҳали шеър битди. Биз танқидчи-адабиётшунослар эса кўра-била жим туравердик. У даврлар ўтди-кетди. Энди жим туриш мумкин эмас. Ҳамзанинг руҳини тинчитиш учун ҳам уни адабиётимиз тарихидаги ўз ўрнига қўйишимиз керак...”.

Шу мулоҳазалар асосида бир тўхтамга келиб, илмий гуруҳ амалий ишга ўтди. Дастлабки қадам тарзида мактаб адабиёт дастури, шу дастур асосида яратилган 11-синф дарслигида Ҳамза ижоди янгича талқин этилди, кейинроқ олий ўқув юртлари учун мўлжалланган “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи” дастури ва дарслигида бундай талқин янада такомиллаштирилди. Дастлабки пайтлар устознинг ўзи бошчилик қилган “20 — 30-йиллар ўзбек адабиёти тараққиёти муаммолари” давлат гранти илмий режасига Ҳамза ижодий меросининг янгича талқини муаммоси ҳам киритилди ва бу мавзуда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди, жумладан, каминанинг “Янги бир анъананинг туғилиши”, “Холислик хосияти” мақолалари устоз тавсияси бўйича ёзилган эди.

Ниҳоят, устознинг ўн йилдан ортиқ давр мобайнида Ҳамза шахсияти, ижодий мероси тақдири устидаги бетиним ўй-мушоҳадалари самараси ўлароқ, “Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” сарлавҳали асари майдонга келди. Асар дастлаб “Тафаккур” журналининг 2000 йил 3-сонида эълон этилди, сўнг “Ижодни англаш бахти” китобига киритилди. Китобда мазкур асарнинг “Истиқлол нурларида эврилаётган адабиёт” туркумидаги Чўлпон, Фитрат ҳамда жадид адабиётига бағишланган мақолалар қаторида берилиши тасодифий эмас.

“Истибдод қурбони” устознинг ўша кезлардаги асарларига хос жўшқин публицистик руҳда битилган, бадиа-эссе жанри имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф кўнглида кечган ўй-мушоҳадаларни эмин-эркин тўкиб-солиш йўлида ёзилган. Бу ерда гап фақат асарнинг ифода тарзи устида бораётгани йўқ. Энг муҳими, “Истибдод қурбони” муаллифининг муаммога кутилмаган янги томонлардан ёндашганлиги, миллий адабиётимиз яқин ўтмиши манзаралари хусусидаги мавжуд тасаввурларни ўзгартириб юборгани қимматлидир. Аввало, “инқилоб куйчиси”, “инқилоб фидойиси”, “ўзбек совет адабиётининг асосчиси” саналмиш Ҳамзани миллат эрки, озодлиги йўлида жон фидо этган “миллатчи”, “аксилинқилобчи”, “халқ душмани” сифатида қатағон этилган Чўлпон, Фитратлар қаторига қўйиб, у ҳам “истибдод қурбони” эканига даъво этиш фанда ҳазилакам жасорат эмас! Бундай қарашни адабиётшунос олим шунчаки даъво қилиш билан чекланмай, асар давомида уни атрофлича исбот этишга интилади; шўро даврида шоир ҳақида шаклланган сохта тасаввурлар илдизини очиб беради, турли-туман инқилобий ёрлиқлардан поклаб, бу улкан адибнинг асл сиймосини китобхон кўз олдида гавдалантиришга чоғланади ва бунга эришади ҳам.

Мақолада таъкилланганидек, Ҳамза ҳаётлик чоғида, 20-йиллар адабий муҳитида сафдошлари Қодирий, Чўлпон, Фитратлар қаторида юрган, ўқув қўлланмаларига киритилган, ҳатто вафотидан кейин 30-йиллар биринчи ярмида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган эмас. Нега 30-йиллар охирига келиб у бирдан совет адабиёти машъалига айланди-қолди? Муаллиф, аввало, шу жиддий саволга жавоб излайди.

Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ўша давр миллий адабиёт дарғалари “инқилоб душманлари” сифатида қатл этилган бўлса, уларга қарши туриб шўро адабиётини яратган инқилоб куйчиси бўлмоғи керак, бунақа куйчи адабиёт майдонида топилмаса, уни янгидан ясаш керак! “Хуллас, — деб ёзади муаллиф, — ўша йилларда бу ролга Ҳамзадан муносиброқ одам топилмади. Шундай қилиб, шоирни ўзлигидан маҳрум қилиб, оддий бир қўғирчоққа айлантириш жараёни бошланди. Бошқача айтганда, ўз вақтида омади келиб, шўроларнинг қатли омидан омон қолган Ҳамза кейинчалик ҳукмрон мафкура манфаатлари йўлида қурбон қилинди”.

Адабий ҳодисаларга, ижодкор шахсияти ва меросига марксча-ленинча синфий-партиявий ёндашиш фақат яроқсиз ғайриилмий методгина бўлиб қолмай, у ёлғон-яшиқлар, сохталиклар, ҳаттоки жиноятлар учун ҳам йўл очиб бериши мумкинлигини Ҳамза қисмати мисолида яққол кўриш мумкин. “Истибдод қурбони” муаллифи Ҳамзанинг дунёқараши, октябр инқилобига, жадид адиблари ва жадидчилик ҳаракатига муносабати каби муаммоларнинг шўровий талқинлари устида қизғин баҳслар юритади. Эҳтимол, устоз мулоҳазаларида мунозарали ўринлар ҳам бордир, бироқ улар Сизу бизни фикрлашга ундаши билан қимматлидир. Шўровий талқинга кўра, Ҳамза октябр инқилобига тайёр марксист сифатида етиб келган, уни зўр қувонч билан кутиб олган, ҳеч қанақа иккиланишларсиз шўролар томонида туриб унинг ҳимояси йўлида кураш олиб борган ва шу йўлда қурбон бўлган. Асарда бу хил даъволарнинг ёлғонлигини исботловчи кўплаб далиллар келтирилади. Уларга қўшимча равишда яна айрим характерли ҳолатларни келтириш мумкин. Абдулла Қодирий “Таржимаи ҳол”ида октябр арафасидаги ижтимоий вазият хусусида тўхталиб шуларни ёзади: “Аммо айта оламанки, ўша вақтларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман социализм маслакидан тублик маълумотка эга бўлган киши йўқ бўлса ҳам эҳтимолки, битта-яримта бўлғандир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида умуман, Ўзбекистон ишчи-деҳқонларидан ва бу кунги масъул ва ғайри масъул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман... Буюк ўктабр инқилобини ҳам шу йўсун онгсиз миллат ичида қаршиладим” (“Диёри бакр”, 372-373-бетлар). Азизлар, бу суд олдида айтилган мардона эътироф! Тошкентдек шаҳри азимда, фақат Ўзбекистон эмас, Туркистон элининг ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўчоғида яшаб, қизғин фаолият олиб борган ҳақиқатгўй адибнинг эътирофи! Самимий бу эътироф айрим ақидапараст танқидчиларга қўл келди, уни “Қодирий дунёқарашидаги ожизлик”ни тасдиқловчи ҳужжат сифатида дастак қилиб олдилар.

Шу ўринда бир воқеани эслатиб ўтсам. 1973 йили шўро даври адибларининг таржимаи ҳолларини ўз ичига олган “Адабиётимиз автобиографияси” китоби тайёрланди. Тўплам қўлёзмаси муҳокамаси чоғи унга Абдулла Қодирий таржимаи ҳоли киритилмагани хусусида эътироз билдирилди. Шунда китоб тўпловчиси Қодирийнинг юқорида келтирилган сўзларини эслатиб, бу ҳақиқатга зид, сиёсий хато, ўша кезларда бизда Ҳамза сингари етук онгли марксистларнинг борлигидан кўз юмиш; бинобарин, бундай ҳужжат Ҳамза таржимаи ҳоли ёнида туриши мумкин эмас, дея қатъий ҳукм чиқарган эди. Ҳолбуки, Қодирийнинг мана шу эътирофлари битилган “Таржимаи ҳоли” аллақачон матбуотда эълон этилган, 1969 йили чиққан “Кичик асарлар” тўпламига киритилган, уни ҳеч ким “сиёсий хатолик”да айблашга тили бормаган эди.

Озод домла таъкидлаганларидек, бошқа сафдошлари каби Ҳамза ҳам дастлаб шўро “доҳий”ларининг миллий ўлкаларга эрк, озодлик бериши хусусидаги ваъдаларига ишониб, октябрни шарафловчи асарлар ёзди, шўро идораларида фаол хизмат қилди. Ҳамзанинг инқилобий руҳдаги шеър, драмалари сафдошлариникига қараганда кўпроқ ва изчилроқ экани ҳам ҳақиқат. Аммо ваъдалар қоғозда қолиб кетаётганлигини, зулм-ҳақсизлик аввалгидан баттар давом этаётганлигини кўриб, у ҳам сафдошлари каби изтироблар оловида қоврилди; шўро даври фожиаларини акс эттирувчи асарлар битди; шўровий-инқилобий руҳдан холи драмалар ҳам яратди. Буниси ҳам ҳақиқат. Устоз Ҳамзанинг октябр инқилобига, шўролар сиёсатига муносабати талқинларида бўлгани каби, ўз даврининг жиддий ҳодисаси жадидчилик ҳаракатидаги ўрни, диний-исломий эътиқоди ҳақида ҳам дадил гапларни ўртага ташлайди. Улар билан танишганда яна бир карра амин бўламизки, мураккаб тарихий силсилалар паллаларида яшаб ижод этган улкан адиблар шахсияти, меросини фақат қутбларга ажратиб, қатъий тарзда у ёки бу ижтимоий ҳаракатнинг намояндаси сифатида талқин этишдан эҳтиёт бўлиш даркор экан. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, улкан истеъдод эгалари ҳеч қачон бирор ижтимоий ҳаракат, адабий оқим доирасига сиғмаган, сиғмайди ҳам. Фикрловчи инсон, айниқса, ижодкор мудом изланади, ўзини тафтиш этиб боради, янги йўллар қидиради. Бу йўлларда у гоҳо излаганини топади, гоҳо йўқотади. Чин ижод аҳлининг қисмати шундай. Жумладан, Ҳамза ижодий бисотида маърифатчилик, жадидчилик руҳидаги асарлар билан баробар шўровий мафкура билан йўғрилган драма ва шеърларни ҳам истаганча топиш мумкин. Муайян даврларда у талай диний-исломий руҳдаги асарлар битган, айни пайтда, даҳриёна сатрлар ҳам тўқиган. Ҳам анъанавий, ҳам янгича — модерн йўлларда асарлар яратган. Сизу биз ижодкорни бор ҳолича кўриш, англашга бурчлимиз. Шундай қилинганда ижодкорни идеаллаштиришга ҳам, камситишга ҳам асло ўрин қолмайди. Ижодкор бисоти бор ҳолича кўрсатилгандагина унинг инсоний жозибаси очилади, ижодий меросининг чин қиммати аён бўлади.

“Истибдод қурбони” шу азалий ҳақиқатдан бизга оқилона сабоқ бериши билан ғоят қадрлидир.

# АЛВИДО, БАХТИЁР ОҒА!



Қардош озорбайжон халқининг доврўқли шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг вафоти ҳақида хабар келди.

Бахтиёр Ваҳобзода ўзбек халқининг ҳам севимли шоирларидан бири эди. Шоирнинг 1981 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Менинг йўлим” шеърий тўпламига ёзилган “Ўзбек ўқувчиларига” номли мухтасар сўзбошида, жумладан, шундай дил сўзлари битилган: “Биз ўзбек халқи билан теран томирли бир дарахтнинг қўш бутоқларимиз. Бизни бирлаштирувчи жиҳатлар фарқлантирувчи жиҳатлардан кўпдир. Тарихан, руҳан, қалбан менга яқин бўлган бир халқнинг, яъни ўзбек халқининг тилида шеърларимнинг жаранглашини кўпдан орзу қилар эдим. Менинг бу орзумни амалга оширгани учун ўзбек шоирларига чуқур миннатдорчилик билдираман. Бу китобнинг чоп қилиниши менинг ўзбек халқи билан унинг тилида сўзлашишдай бахтга муяссар этди. Ҳурматли таржимачиларим менинг қалбим ила буюк ва гўзал халқнинг орасига кўприк солдилар. Юраклардан юракларга шундай кўприклар солишга қодир қалам соҳибларига минг тасанно.

Ҳозир ўз ижоди билан бир қаторда жаҳон адабиётининг ажойиб намуналарини она тилига ўгирмаган шоир бўлмаса керак. Мен ҳам бу шоирлардан бири сифатида жаҳон халқларининг, шу жумладан, менга жондош-қондош ўзбек халқи шеърияти намуналарини озорбайжон тилига таржима қилганман. Ўзбек мумтоз шоирлари Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис жаҳон адабиётининг ҳам даҳо санъаткорларидир. Биз бу туганмас чашмалардан сув ичган сайин, бу юксак тоғларга суянган сайин ўзимиз қувватга тўламиз, сўзимиз салмоқ касб этади. Шундай буюк санъат анъанасига молик бир халқнинг инжа ва ширин тилида асарларимнинг жаранглаши мен учун ҳам шараф, ҳам синов-имтиҳондир”.

Бу дил сўзларида шоирнинг ўзбек халқига ва унинг мумтоз адабиётига меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтироми баайни Ҳазар денгизнинг ҳузурбахш насимидек уфуриб турибди.

Сўзи яшаб қолган ва китобхон қалбида тегишли акссадо уйғота олган шоир эса, ҳамиша барҳаётдир.

Жойингиз жаннатдан бўлсин, алвидо, Бахтиёр оға! Сизни ёрқин хотирангиз ва гўзал асарларингиз шеърсевар халқимиз қалбида ҳамиша яшаб қолади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

**Бахтиёр ВАҲОБЗОДА**

## КЕКСАЛИК

*Муддат — шу, қисмат — шу,*
*шумиди қадар?*
*Умр йўғрилганми ғамга сар-басар,*
*Танҳолик дардини*
*юрак ҳам сезар,*
*Ҳозир бўл, эшикни қоқар кексалик.*

*Замон оқишидан айланади бош,*
*Ўзим ҳам билмасман, недан*
*бу талош,*
*Фақат қоматингга эмас,*
*эй қардош,*
*Инсонлик саботин эгар кексалик.*

*Баҳорни берибман, қишни олибман,*
*Йилларни берибман, ёшни олибман,*
*Тўлани топшириб, бўшни олибман,*
*Ким айтар: “келтирар*
*самар кексалик”?*

*Вақт умр гулин бир кун сўлдирар,*
*Тўлани бўшатар, бўшни тўлдирар,*
*Бахтиёр, ёшликни ғурур билдирар,*
*Кечмишдан хотира бўлар кексалик.*

## АЛВИДО

*Деймании умримнинг сафоси битди,*
*Тоққа чиқдим, дала-тузга алвидо.*
*Кўзга туман чўкар, бошқа қор ёғар,*
*Баҳорга алвидо, ёзга алвидо.*

*Ишқингни ҳамиша муқаддас дединг,*
*Кунлар қўлдан кетар, не ҳавас, дединг,*
*Кўпни истамадинг, озни бас, дединг,*
*Дедим.. кўпи йўқса, озга алвидо.*

*Энди илдизидан узилган менман,*
*Ўзга навдаларга тизилган менман,*
*Энди на сен — сенсан,*
*на да мен — менман,*
*Биз агар эврилдик, бизга алвидо.*

*Бахтиёр, дилдаги яранг ҳар замон*
*Сени кечмишингга боғлар бегумон,*
*Зулмат юрагингни айлаб нурафшон,*
*Йўлингга шам тутган кўзга алвидо.*

**Носир МУҲАММАД таржимаси.**

**“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да бадиий ижоднинг муҳим масаласи — бадиий наср тили мавзусида давра суҳбати ташкил этилгани севимли газетамиз ҳозирги адабий жараён марказида эканини яна бир бор далиллайди. Устоз олимлар ва тенгдош адабиётшуносларнинг қизғин баҳс-мунозаралари бизни қизиқтириб келган мавзуда айрим фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашишга ундади.**

# МУРОСА КЎЗИ БИЛАН ҚАРАМАЙЛИК

## Бадиий наср тили ва давр

Бадиий асар тили ҳақида гапирганда муҳим бир ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас: тил — фикр ва тасаввурнинг шаклидир, холос. Тафаккур қанчалик миқёсли ва тасаввур қанчалик тиниқ бўлса, унинг шакли ҳам шунга мувофиқ бўлади. Аслида сўз санъати даҳолари яратган “Уруш ва тинчлик”, “Қизил ва қора”, “Жиноят ва жазо”, “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Сароб”, “Фарғона тонг отгунча” сингари насрий асарлар тилининг жозибаси ҳам тафаккур ва тахайюл билан белгиланадиган бадиий мазмунга мувофиқликдир. Давра суҳбатида *“Арзимас, эстетик қимматга эга бўлмаган воқеалар қаламга олинганда асар тили ҳам шунга яраша бўлади”*, деган фикрни илгари сурган адабиётшунос Баҳодир Карим шу маънода ҳақдир.

Тил хазинаси лисоний манба — шу тилда ижод қиладиган барча қаламкашлар учун умумий. Аммо қўлига қалам олган ижодкор бу манбадан қай даражада хабардор, ўз билганларини истифода этишда истеъмолдан суиистеъмолга ўтиб кетмайдими, сўзнинг мақсад эмас, восита — фикр либоси эканлигини қай даражада англайди — ҳамма гап шунда. Тил хазинасини, унинг турли (фонетик, лексик, синтактик) имкониятларини яхши билиш — бу масаланинг бир томони; масаланинг иккинчи томони — ундан ўринли ва меъёрида фойдалана олишда. Бугун шундай асарлар ҳам яратиляптики, муаллиф гўё муайян сўзларни қўллаш учунгина асар ёзгандай тасаввур туғилади кишида. Унутилган ёхуд шевадаги сўзларни фаол нутқ жараёнига олиб кириш, янги сўзлар ясаш орқали адабий тил миқёсларини кенгайтириш, албатта, керакли иш. Аммо бу бадиий асар тўқимасига салгина бўлса-да путур етказмаслиги керак. Чунки бадиий асар шундай нозик ва олий даражадаги гармонияки, салгина путур етказиш уни бутунлай йўққа чиқариш билан тенг. Ёзувчининг асосий вазифаси ҳаётнинг бадиий тасвирларини яратиш, китобхонда ўзи тасвирлаётган ҳаёт воқеаларига нисбатан муносабат уйғотиш. Шунга кўра ижодкор, аввало, ўз ёзганларининг китобхонга тушунарли бўлиши устида қайғуриши керак. Шу маънода ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдамнинг: *“...шева ва архаик сўзлардан адабий меъёр доирасида фойдаланилмаса, бундай наср тили мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. ... асос адабий тил бўлмоғи лозим... Чунки адабий тил бу — ҳамма тушунадиган умум тилдир”*, деган фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Муайян синонимик қатордаги маълум бир сўзни танлашнинг — у шева ёки эскирган сўз бўладими, нейтрал ёки бўёқдор сўз бўладими — аниқ мақсади, асоси бўлиши лозим. Ижод масаласида ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам жуда талабчан бўлган атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг: *“Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак”*, деган фикри бугун ҳам эскирган эмас.

Айрим қаламкашлар сўзнинг оддий китобхон ҳам биладиган бирламчи маъноларини ҳам тушунмасдан истифода этаётгандай тасаввур туғилади баъзан. Чунончи, ҳикоялардан бирида қаҳрамон отасининг вафоти ҳақида хабар бериб: *“Бомдодга чиқарамиз”*, дейди. Бомдод — қуёшнинг илк нурлари таралгунга қадар амалга ошириладиган тонгги ибодат эканлигини назарда тутсак, қайси ўзбек тонг отмасдан туриб майитни этиб кўмар экан, деб таажжубга тушасан киши.

Насрий асарда тил масаласи, бизнингча, шеъриятдагидан кўра бирмунча мураккаброқ. Чунки, биринчидан, шеъриятнинг тилни ўз “ўзани”га соладиган махсус унсурлари (мисра, вазн, қофия, банд, радиф) бор. Шеърият бутунлай қолипдаги нутқ бўлмаса-да, кўпинча уни мана шу унсурларга бўйсундиришга тўғри келади. Бошқача айтганда, шеърий нутқнинг ўз “формула”лари бор. Насрдаги эркинлик, танлаш ихтиёрининг кенглиги эса қаламкашдан ўз “формула”ларини яратишни талаб қилади.

Иккинчидан, шеърият — шоирнинг монологи, у ўз нутқини бадиий ғояга мувофиқ тантанали, бўёқдор, кўтаринки қилиб — хоҳлаганидай тузиши мумкин. Насрда эса ёзувчи ҳам ўзи бўлиб, ҳам ўзга бўлиб сўзлаши керак. Насрда, шартли маънода бўлса-да, ёзувчи — ҳаёт воқеа-ҳодисаларининг холис ровийси, “котиб”идир. Шунга кўра, нимани батафсил, нимани қисқароқ, айтиш керак; махсус тасвир воситаларининг меъёри қандай бўлиши лозим — уларни мўл-кўл қўллаш жимжимадорликка, кам қўллаш — рангсизликка олиб келмайдими; содда гаплар маъқулми ёки қўшма гаплар; бадиий бўёқдор сўзлар меъёрини қандай белгилаш мумкин; муаллиф қандай гапириши керагу персонажлар қандай гапириши керак — шу каби масалаларнинг ҳал қилиниши ёзувчидан жуда катта масъулиятни талаб қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, асосий мақсад — оҳорли сўз ёки жумла, топилма даражасидаги бадиий тасвир воситаси эмас, балки ёзувчининг китобхонга айтмоқчи бўлган гапи ва унинг ўқувчига интенсив шаклда етиб боришидир.

Давра суҳбатида адабиётшунос олим Дилмурод Қуронов: *“Эстетик дидни ўстиришга кўмаклашиш учун ҳам насрий асарлар тили теран таҳлил этилган мақолалар, тадқиқотлар зарур”*, дея долзарб муаммони ўртага қўйган. Адабиётшуносликда бадиий асар тилига бағишланган жиддий тадқиқотлар яратилган. Профессор Баҳодир Саримсоқовнинг “Бадиийлик асослари ва мезонлари”, адабиётшунос Мирзааҳмад Олимовнинг “Бобурнома”да қўлланган синонимлар луғати” каби ишлари шулар сирасидан. М.Олимов мазкур луғатнинг кириш қисмида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “оллоҳ”, “тангри”, “худо”, “парвардигор” каби маънодош сўзларни танлаб қўллашда Яратганга, ҳаётга, сўзга инжа муносабати ўзининг жозиб ифодасини топганлигини теран таҳлил қилиб берган. Бировнинг чорбоғига тош отиш, деб тушунилмасину, адабиётшуносликка оид айрим мақолаларда: шоир ўз қаҳрамонининг *“кунлари ва тунларидаги юмушларини тасвирлаш орқали ҳаёти манзараларини жонлантиради”* қабилидаги аскиябоп иборалар; нуфузли илмий тадқиқотларда фалон шоирнинг асарлари *“бугунги талабчан шеърият ихлосмандининг инжа туйғулари талабларидаги тебранишларни қаноатлантира олади ва янги-янги ҳаваслар оча билади”*, фалон жанрнинг *“шаклланиши ва тараққиёти унинг ижобий хусусиятларидан бири бўлиб қолди”*, фалон жанрда *“ёзувчи ёки шоир ҳаёт йўлининг турли-туман воситалар (хотиралар, афсоналар, иқрорлар ва ҳ.к.) асосидаги мулоҳазалари акс этади”* сингари мавҳум жумлаларнинг, *“текширилаётган санъаткор”* каби ножоиз аниқловчиларнинг учраши бадиий асарни таҳлил қиладиган танқидчи ва тадқиқотчиларнинг ўзлари ҳам тил масаласига эътибор билан ёндашишларини талаб қилади.

Адабиётнинг жонкуяри Абдулла Қаҳҳор ёшларга: *“Эртага буюк адабиёт ярата оладиган маърифатли, талантли ёшларимиз адабиётимизнинг шаънига гард қўндирадиган, санъаткорлик эмас, косибчилик маҳсули бўлиб майдонга келган нарсаларга муроса кўзи билан қарамасликлари керак”*, деб ўгит берган эди. Мана шу ўгит бадиий ижод соҳиблари учун ҳам, унинг тадқиқотчилари учун ҳам ҳеч қачон эскирмайдиган дастуриламалдир.

**Илҳом ҒАНИЕВ,**
**филология фанлари доктори**

*Бухоро*

# ТЎРТ САТР ИМКОНИЯТИ




*Қадимда тўрт, ҳатто икки сатрдан иборат шеърий шакллар Шарқда урф бўлган. Шоирлар йирик достонлар қатори рубоий, туюқ, фард каби жанрларда ҳам баракали ижод қилишган. Мумтоз шоирлар чуқур фалсафий фикрларни катта санъаткорлик билан ихчам сатрларга жо эта олганлар.*

*Янги давр адабиётида қадимий аруз вазнидаги рубоийнавислик анъанаси бармоқ вазнидаги тўртлик билан алмашди. XXI асрда ўз тўртликларини алоҳида китоб ҳолида чоп эттираётган ўзбек шоирлари Тошпўлат Аҳмаднинг “202 атиргул” (2002), Сирожиддин Саййиднинг “Кўнгил соҳили” (2004), Шукур Қурбоннинг “Қалбдаги шамлар” (2006) китоблари шеърият мухлисларига манзур бўлди. Шоир Азим Суюн бу жанрга янада ижодий ёндошиб, “Эй, дўст” (2005) номли қайирмалар китобини нашр этди.*

*2008 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида шоир Абдуҳамид Парданинг “Ичсўз ифшоси” номли тўртликлар, туюқлар, фардлар китоби 1000 нусхада чоп этилди. Мазкур нашрга таниқли шоир Шукур Қурбон муҳаррирлик қилган.*

## Китобингизни ўқидим

*Маълумки, алоҳида тўртликлар китобини нашр этиш ижодкор зиммасига масъулият юклайди. Зеро, устоз шоир Эркин Воҳидов айтганидек:*

**Шеърнинг сози — тўрт сатр,**
**Тўрт ажойиб — зўр сатр.**
**Шоир одам ўзини**
**Тўрт сатрда кўрсатур.**

*А.Парданинг олдин нашр этилган “Таҳаммул”, “Соҳил оҳанглари”, “Чорлов” каби тўпламларида ҳам тўртликлар борлигини назарда тутсак, “Ичсўз ифшоси” шоирнинг узоқ йиллик самарали изланишлари натижаси эканига амин бўламиз.*

*Тўпламдаги тўртликларнинг салмоқли қисми ишқ-муҳаббат мавзусида. Уларнинг баъзиларида шоир муайян даражада ютуққа ҳам эришган. Масалан, Аҳмад Яссавий бир шеъридаги “Дам бу дамдир ўзга дамни дам дема” сатрида “дам” сўзини тўрт марта такрорлаб юқори таъсирчанликка эришганидек, А.Парда қуйидаги тўртликда “дард” ва “дил” сўзларини бир неча бор ўринли такрорлаган:*

**Дардингдан ўзга дард нетар дилда, айт?!**
**Дардинг нелар содир этар дилда, айт?!**
**Қон билан кирса ҳам, чиқмай жон билан,**
**Наҳот, дардинг мангу кетар дилда, айт?!**

*Бошқа бир тўртликда лирик қаҳрамон ҳолати табиатнинг ғоят жозиб қўлланган ҳодисасига ўхшатилганки, уни ўқиб беихтиёр завқ оласиз:*

**Кўзларимда ҳалқаланар ёш,**
**Сен куласан, лабингда ханда.**
**Камалак ҳам сендек бағритош,**
**Кулар булут йиғлаб турганда.**

*Бироқ китобдаги тўртликлар орасида бу каби оҳорлилари кўп эмас. Бўш, мазмуни ғариб, сатрлари ички яхлитликдан холи тўртликлар анчагина.*

*Фард — ихчам жанр. А.Парданинг баъзи фардлари бир неча сўздангина иборат бўлса-да, маънодан холи эмас: “Умр — туш, Бахт — қуш”. Аксарият фардларда ҳаётий кузатиш ва тажрибалар ҳосиласи бўлмиш ўгитлар ифодаланган бўлса, айримларида турмуш ҳақиқати енгил юморга йўғрилиб тақдим этилган:*

**Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор деганлар,**
**Тўғри сўзнинг тўқмоғини еганлар.**

*Хуллас, “Ичсўз ифшоси” тўртлик, туюқ ва фардлардан тузилган мўъжаз назмий гулдаста сифатида ушбу жанрлар мухлисларига манзур бўлса ажаб эмас.*

**Ғулом КАРИМ**



